



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Солиева Навруза Ахмадилло қизи

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази,
таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6793349>

ARTICLE INFO

Received: 28th June 2022

Accepted: 01st July 2022

Online: 02nd July 2022

KEY WORDS

суғурта ходисаси,
суғурталовчи,
суғурталанувчи,
тавакалчилик,
методология,
инновация, суғурта
механизми, хосил
суғуртаси.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг бошқа жабҳаларига нисбатан табиат ходисаларига энг таъсирчан соҳа ҳисобланади. Айниқса глобал иқлим ўзгариши шароитида об-ҳавонинг ўта ноқулай келиши, баҳор мавсумида сурункали музламалар бўлиши, ёзда ҳароратнинг аномал тарзда кескин кўтарилиб кетиши ёки киш вақтида ёғингарчиликнинг етарли даражада бўлмаслиги оқибатида мавсум пайтларида сув тақчиллиги юзага келиши ва бошқа шу каби табиат ходисалари сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан экинлар ҳосилдорлигига, чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигига салбий таъсир қилиши иқтисодий зарар кўришлари ҳолатлари кўпаймоқда. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш хажмларини камайишига, натижада эса қишлоқ

ABSTRACT

Мақолада қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар, бу борада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар баён этилган. Шунингдек, ҳозирда юзага келган мавжуд муаммолар келтирилган ва ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган ва амалий аҳамиятга молик таклифлар ишлаб чиқилган.

хўжалигида ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Амалиётда табиат ҳодисаларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсирларини юмшатиш ва бартараф қилишнинг бир қатор ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари мавжуд бўлиб, улар ичида суғурта механизмларини жорий этишга республикамизда хўжаликлар миқёсида ҳам ва давлат миқёсида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурта муносабатларининг асл моҳияти, бир томонидан суғурталанувчи суғурталовчига суғурта бадалларини тўлаш мажбуриятини олса, иккинчи томондан суғурталовчи суғурта ходисаси рўй беоганда келтирилган



зарарни суғурталанувчига тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммаси олади.

Мустақиллик йилларида иқтисодийнинг бошқа тармоқлари билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам мулкчилик шакллари ўзгартириш, деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини шакллантириш, тизимга хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмасини барпо этиш юзасидан улкан аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Ушбу тадбирлар қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш, қолаверса, ички ва ташқи бозорни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилгандир. Шу сабабли юқорида қайд этилган муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш асосида, қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизимини ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили Суғурта тизими ривожига 1690 йилларга келиб Лондонлик Эдуард Ллойд томонидан замонавий денгиз суғуртаси ва кема юқларини суғурталаш ишлари тажрибада синаб кўрилди ҳамда шу даврдан бошлаб амалда қўлланилган. Ллойд кема эгалари ва савдогарларучун машҳур учрашув жойларини белгилаб, кема ва ундаги юк, яъни улар билан биргаликда карго-(юқларни транспорт воситаларисиз суғурта қилиш) суғуртаси бўйича шартномалашган ва рўйхатга олинган кафолатловчи ҳужжатни ўз қўлига олиб қаҳва уйи ҳомийларига ўқиб эшиттирган.

Қадимги юнон суғуртачилари эса денгизчиликда кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун алоҳида суғурта уюшмаларини ташкил этганлар. Суғурта масалаларини тадқиқ этиш ўтганаср охирида ниҳоятда фаоллашди. Жумладан, И.Т.Балабанов ўз тадқиқотларида таваккалчилик-менежментининг мазмуни ва уни ташкил этиш, хатар даражасини пасайтиришусулари, йўналишлари ва стратегияси, уларни суғурталаш [6], К.В. Балдин таваккалчиликлар шароитида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг методологик, ташкилий ва технологик асослари [7], С.М.Васинва В.С.Шутовлар тадбиркорлик фаолиятидаги таваккалчиликлар ва уларни туркумлаш, таваккалчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари, корхона стратегиясида таваккалчиликларни бошқариш хусусиятларини тадқиқ этганлар [8].

Мамлакатимиз олимларидан М. Шарифхўжаева, Ё.Абдуллаевлар таваккалчиликни бошқариш, хавф ва таваккалчилик турлари ҳамда уларни бошқариш [10], Ш.Зайнутдинов, А.Шермухаммедовлар бошқарув жараёнида дуч келадиган хатарлар ва уларнинг таҳлили, хатарларнинг тури ва бошқариш шакллари [9], А.Абдуллаев, Х.Айбешов, Қ.Рустамов, У.Мустафоевлар аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шаклларида бири ҳисобланган фермер хўжалиқларининг илмий-назарий асослари, А. Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодийдаги роли, аҳамияти, унинг самарадорлигини ошириш масалаларида илмий изланишлар олиб борганлар.



Қишлоқ хўжалигида суғурталаш тизими ривожлантириш бўйича хорижий ва ўзбек олимларимиз томонидан бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, ватанимиз аграр иқтисодчи олимлардан Р.Х.Хусанов [11], Н.Хушматов [12], К.А.Чариев [13], Т.Х.Фармонов, А.Ядгаров ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Охирги йилларда бу йўналиш бўйича илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Бевосита тадқиқот мавзусига оид энг охирги илмий иш 2005 йилда и.ф.н., доцент А.Ядгаров томонидан амалга оширилган бўлиб [14], бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалигида суғурта тизимини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг назарий асоси бўлиб, илмий билишнинг диалектик услуби ҳамда иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалигида суғурта муносабатларини жорий этиш бўйича илмий ғоялари, назарий-амалий қарашлари хизмат қилди. Бундан ташқари тадқиқот жараёнида мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик ўрганиш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган. Мавжуд методологик ёндошувларга таянган ҳолда, республикамызда фаолият юритувчи суғурта компанияларини ўрганиш асосида олиб борган таҳлил ва хулосалардан кенг фойдаланганмиз.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегиясининг учинчи бўлими "Иқтисодиётни ривожлантириш

ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари"га бағишланган 3.1 банди 6-хат бошида суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган [2]. Бундан ташқари. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелида қабул қилинган ва 2021 йил 23 ноябрда янги тахрирда қабул қилинган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуни [1], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги "Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 505-сонли [3], 2019 йил 30 сентябрдаги "Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда парваришланаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 830-сонли [4] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида"ги ПҚ-4412-сон қарорлари [5] қишлоқ хўжалигида суғурта фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда республикамызда қишлоқ хўжалиги суғуртаси соҳаси ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича



хизматларни таклиф этувчи "UZINSURANCE" ("Ўзагросуғурта" АЖ) фаолият юритмоқда. "Суғурта фаолияти тўғрисида" ги Қонун асосида фаолият кўрсатувчи ушбу компания қишлоқ хўжалиги суғуртаси йўналиш бўйича 40 та га яқин турдаги суғурта хизматларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги етиштирувчиларнинг гмол-мулкни, экинлари ҳосилини, маҳсулот етиштириш учун тижорат банкларидан олинган мақсадли кредитларни қайтариш бўйича жавобгарликни, шунингдек қишлоқ жойларида фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта доирасида хизмат кўрсатиш ва бошқалар. Табиий иқлим шароитларига нисбатан юқори даражадаги қарамлик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги хатарларни бошқаришда суғурта ва суғурта тизими имкониятларидан кенг тарзда фойдаланиш заруратини юзага келтиради. Сифатли суғурта хизматлари ва бу борасидаги ҳукумат дастурларини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга имкон беради, аграр тармоқни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат бюджети харажатларини қисқартиришга олиб келади. Амалиётда қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришга қаратилган турли хил стратегиялар ишлаб чиқилган, натижада суғурта қишлоқ хўжалигида турли хатарлардан, кўзда тутилмаган йўқотишлардан ҳимоя этишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда.

Агросуғурта барча турдаги қишлоқ хўжалиги хатарларини бошқаришнинг синалган механизми эканлиги билан бир қаторда суғурта бозорининг барча иштирокчилари манфаатларини бирлаштиришнинг энг мақбул йўли ҳамдир. Шунинг учун аграр соҳани суғурталашнинг замонавий моделларини ривожлантириш унга инновацион ёндашувни тақозо этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нобуд бўлганда ёки зарар кўрганда етказилган зарар ҳажми барча майдондаги асосий экин (ёки экинлар гуруҳи) бўйича йўқотилган ҳосил миқдорининг қийматига қараб аниқланади. Бунда ҳар бир гектар ҳисобига сўнги уч йил давомида олинган ўртача йиллик ҳосилдорлик билан, суғурта ҳодисасидан кейин олинган ҳосилдорлик ўртасидаги фарқ асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса қишлоқ хўжалигидаги институционал ўзгаришлар шароитида давлат кўмаги асосида таваккалчиликларни суғурталаш методологиясини чуқурроқ тадқиқ этиш ва унинг услубий жиҳатларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида ушбу соҳа кенг ўрганилган бўлсада, иқтисодий ва модернизациялаш ва инновацион иқтисодийга ўтиш шароитида фермер хўжаликларига олиятидаги хатарларни бошқариш борасидаги тадқиқотлар янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги тармоғида суғурта амалиётини янада ривожлантиришнинг зарурати қуйидагиларда ўз аксини топади:



❑ Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос иқтисодий фаолият тури сифатида юқори даражадаги хатарлар билан боғлиқ эканлиги;

❑ Аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг табиий офатлар ёки ишлаб чиқаришдан кўрган зарарларни мустақил қоплай олмасликлари;

❑ суғурта ҳимоясининг салбий ҳодисалар билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш ҳамда аграр тармоқнинг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш кафолати сифатида хизмат қилиши ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар кўламини кенгайтириш, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлигини ижобий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга ерни тендер асосида узоқ муддатга ижарага берилаётганлиги ва бунда турли омилларни, хусусан, фермерларнинг тегишли маълумотга ва техникага эгаллигини ҳисобга олинаётганлиги ердан унумли фойдаланиш, пировардида, ҳосилдорлик даражасини кўпайтишига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда фермер ва деҳқон хўжалиklarининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши фақатгина юқоридаги омиллар билан белгиланмаслигини ҳам унутмаслик зарур.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини бир маромда ривожланишига агротехника қоидаларига етарли даражада риоя этиш билан эришиб бўлмаслигини ҳам амалий тажриба кўрсатмоқда. Гап шундаки, тармоқда маҳсулот ишлаб

чиқариш ҳажмини ошишига, бинобарин, ҳосилдорлик даражасини кўпайтишига об-ҳавонинг қулай келиши, ёғингарчиликни меъёрида бўлиши ва шу каби табиий ҳолатлар ижобий таъсир кўрсатади.

Шуниалоҳидатаъкидлаш зарурки, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг, биринчи навбатда, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг табиий офатлар ва бошқа олдиндан кўриб бўлмайдиган табиат ҳодисалар рўй бериш инатигасида кўрган зарарларини қоплашда суғурта муҳим ўрин тутаяди.

Қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчиларни суғурталашда қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчиларни кўзланган ҳосилни ололмай қолиши билан боғлиқ молиявий таваккалчиликлари, қишлоқ хўжалик техникаси, мол-мулки, ўзининг ва оила аъзоларининг ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ бўлган мулкий қизиқишлари суғурталаш, яъни қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчиларни суғурта ҳимоясига олишдан кўзланган мақсад юқоридаги мулкий қизиқишлар билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни камайтириш, қўшимча ҳаражатларни олдини олиш ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, жумладан, фермер ва деҳқон хўжалиklarининг табиий офатлар ва бошқа таваккалчиликлар рўй бериши оқибатида кўрган зарарларини суғурта йўли билан қоплашни ташкил этиш ҳамда деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида амалдорларга суғурта хизматлари бозори



фаолият юритмоқда. Бироқ, фермерва деҳқон хўжаликларининг мулкый манфаатларини суғурталаш юзасидан ижобийишлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, бу йўналишда ўз ечимини кутаётганмуаммолартўпланиб қолганлигиниҳаминкорэтиб бўлмайди, жумладан:

❑ аксарият фермер хўжаликлари раҳбарлари суғурталашнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етарлича тушунмасликлари;

❑ суғурталаш тизимини ривожлантиришда фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатининг пастлиги;

❑ суғурта тизимида малакали кадрлар етишмаслиги ва соҳа ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш ва улар билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш зарурлиги;

❑ қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимига бозор механизмларини жорий этиш, уларни суғурта ҳимоясигатўлиқ қамраболиш даражаси қониқарли ҳолатда эмаслиги, ҳосил суғуртаси бўйича зарарлилик кўрсаткичи юқори даражадаси қилиниб қолаётганлиги,

❑ қишлоқ хўжалиги ҳосилини, ишлаб чиқарувчиларга қарашли мол-мулклар ва чорва молларини суғурталашдан аанъанавийлик тамайили устунлик қилиши,

❑ суғурта ташкилотлари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мукамал эмаслиги;

❑ фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларини суғурталаш, уларнинг мулкый манфаатларини

ҳимоялашдан оанъанавий суғурта хизматларини кўрсатиш ҳам талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар.

❑ Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади жумладан:

❑ фермер хўжаликлари фаолиятидаги турли хил хатарларни қамраб оладиган суғурта хизматларининг турларини кенгайтириш ва такомиллаштириш;

❑ қишлоқ хўжалигини суғурталашда турли мулк шаклидаги суғурта компанияларини агросуғурта бозорига жалб этиш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш;

❑ хусусий мулк шаклидаги суғурта компаниялари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги таваккалчиликларни суғурталаш бўйича суғурта хизматлари таклифини давлат томонидан рағбатлантириб бориш;

❑ фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги таваккалчиликларни суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш;

❑ қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришда агросуғурта билан чегараланиб қолмасдан, тармоқ бошқарувининг барча даражаларида хатарларни бошқариш механизминини такомиллаштириш;

❑ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғурта ҳодисаларини экспертиза қилиш ва зарарларни аниқлашда “Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази” иштирокини таъминлаш,

❑ қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини объектив баҳолашга имкон берувчи кўрсаткичлар



тизимини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги тармоғининг базавий соҳаларини ривожлантириш орқали уларнинг бошқарувида фойдаланиш;
▣ давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги асосида қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталашнинг самарали моделларини ривожлантириш;
▣ суғурта ҳодисаси содир бўлмаган тақдирда суғурта даъвосини кўриб чиқиш амалиётини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш;
▣ суғурта ҳодисаси руй бермаган ҳолларда суғурта мукофотларини бир қисмини суғурталанувчига қайтариш амалиётини жорий этиш ваҳ.к.

Амалиётда қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришга қаратилган турли хил стратегиялар ишлаб чиқилган, бироқ агросуғурта қишлоқ хўжалигида турли хатарлардан, кўзда тутилмаган йўқотишлардан ҳимоя этишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда. Агросуғурта барча турдаги қишлоқ хўжалик хатарларини бошқаришнинг синалган механизми эканлиги билан бир қаторда суғурта бозорининг барча иштирокчилари манфаатларини бирлаштиришнинг энг мақбул йўли ҳамдир. Шунинг учун аграр соҳани суғурталашнинг замонавий моделларини ривожлантириш унга инновацион ёндашувни тақозо этади.

References:

1. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрда янги тахрирда қабул қилинган қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 505-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда парваришланаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 830-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сонли қарори.
6. Балабанов И.Т. Таваккалчилик менеджмент.–М.:Финансчи статистика,1996.-160с.
7. Балдин К.В., Таваккалчилик-менеджмент. Учебное пособие по таваккалчилик-менеджменту. –М.:ЭКМО, 2006. –368с.
8. ВасинС.М.,ШутовВ.С.Управлениетаваккалчиликаминапредприятия:учебноепосо бие.–М.:КНОРУС,2010. –304с



9. Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедова А.Т. Таваккалчилик менеджмента. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 256с.
10. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001. – 301б.
11. Р.Х Хусанов. Ўзбекистонда аграр ислохотлар: эришилган ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари. Тошкент, ЎзБИИТИ, 2006-162 бет.
12. Н.С.Хушматов. Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. Иқтисод фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2005 йил.
13. Чариев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. Издательство «Фан», Т.: ФАН, 1992г.
14. Ялгаров А.А. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида суғурта механизмини такомиллаштириш. 08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент - 2006 йил.